

Маҳалла тизими ходимлари учун ўқув-амалий семинари ташкил этилди

Ўзбекистон туман ҳокимлигининг мажлислар залида "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларида маҳалла тизими ходимларининг вазифалари"га бағишиланган ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташабbusи билан ташкил этилган ўқув-семинарда вазирлик бошқарма бошлиғининг ўринбосари Равшан Исомиддинов, туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ҳамда тумандаги МФЙлар масъуллари иштирок этди.



Ўқув-семинари давомида миллий сайлов қонунчилиги, сайловни ташкил этиш ва уни ўтказишда тизим ходимларининг тутган ўрни, участка сайлов комиссиялари таркибидаги соҳа ходимларининг вазифалари ҳамда аҳоли ўртасида сайлов қонунчилиги тарғиботини ошириш юзасидан вазирлик масъули томонидан атрофлича тушунтиришлар берилди.

Савол-жавобларга бой ўтган тадбирда тизим ходимлари бу борада яна бир^{16/2} ўз билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб олишди.

2021-09-13 18:57:23